

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2022 йил 12 май куни Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси, ўз биносида, очик суд мажлисида, судья Х.Шамшиевнинг раислигида, ҳайъат судьялари: Н.Касимова ва К.Мирсафаевлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Раджабовнинг котиблигида, Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим прокурори Х.Назаров, судланувчи ХХХ ва унинг ҳимоячиси – адвокат Д.Долиевнинг иштирокида, судланувчи ХХХ томонидан келтирилган апелляция шикоятини [REDACTED]-сонли жиноят иши билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2022 йил 16 март кунидаги ҳукмига кўра, [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, шу модда билан 8 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59-моддаси 8-қисми ва 61-моддаси тартибида тайинланган жазога жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 25.08.2021 йилдаги ҳукми билан тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 8 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазони умумий тартибли колонияда ўташ, жазо муддатини 2022 йил 12 январь кунидан бошлаб ҳисоблаш белгиланган.

Судланувчи ХХХ томонидан берилган апелляция шикоятига асосан жиноят иши апелляция тартибида мазмунан кўриш учун 2022 йил 28 апрель кунига тайинланган бўлиб, 2022 йил 12 майдаги суд мажлисида ХХХ ҳукм устидан берган апелляция шикоятини кўрмасдан қолдириш ҳақида судга ариза тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497¹⁰-моддасида ҳукм устидан шикоят берган ёки протест билдирган шахс ўз шикоятини ёки протестини, маҳқум ҳимоячи томонидан берилган шикоятни ҳам қайтариб олишга ҳақли эканлиги, апелляция шикоятини ёки протестини қайтариб олишга апелляция инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунига қадар йўл қўйилиши; 497²⁶-моддасида 1-қисмининг 8-бандида шикоят, протест қайтариб олинган ҳолларда, апелляция тартибида иш юритишни тугатиш тўғрисида қарор чиқарилиши, 2-қисмида эса мазкур модда биринчи қисмининг 1, 5-8-бандларида назарда тутилган ҳолларда апелляция инстанцияси суди



ажрим чиқариши лозимлиги белгиланган.

Шу сабабли, апелляция инстанцияси юқоридаги қонун талабларидан келиб чиқиб, судланувчи ХХХ томонидан келтирилган апелляция шикоятни ўзи томонидан қайтариб олинганлигини инобатга олиб, апелляция иш юритуви тугатилганлигини ва ҳукм қонуний кучга кирганлигини эътироф этишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 423, 497¹⁰, 497²⁶, 528-моддаларини қўллаб, судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг 2022 йил 16 март кунидаги ХХХга нисбатан чиқарилган ҳукми бўйича апелляция иш юритуви тугатилсин ва мазкур ажрим чиқарилган кундан эътиборан ҳукм қонуний кучга кирган деб ҳисоблансин.

Ажрим ижро учун биринчи инстанция судига юборилсин.

Раислик қилувчи:

Х.Шамшиев

Ҳайъат судьялари:

Н.Касимова

К.Мирсафаев

